O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI 310309-1

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI 310309-1
INV.№

НАВРЎЗИ ОЛАМ БАРЧАМИЗГА МУБОРАК БЎЛСИН!

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 22-mart • Yakshanba • 35 (27.996) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Шу кунларда баҳор нафаси тобора кучайиб, атроф-муҳит яшил либосга бурканиши билан, орзиқиб кутган Наврўзи оламнинг юртимизга кириб келиши ҳаммамизни чексиз қувонтиради.

Наврўзи оламни биз барча Шарқ халқлари қатори азал-азалдан, минг йиллар давомида, «Авесто» замонларидан буён сақланиб ва эъзозланиб келаётган, бизнинг миллий табиатимиз ва одатимиздан ажратиб бўлмайдиган, энг қадимий ва энг севимли, чиндан ҳам, ҳақиқий халқ байрами сифатида қадрлаймиз.

Наврўзи оламни биз ўзининг чуқур маъно-мазмуни ва фалсафаси билан ҳаётимиздан алоҳида ўрин олган, яшариш ва янгиланиш палласи, шарқона янги йилнинг дебочаси сифатида ардоқлаймиз.

Бу дилбар фаслда табиат очилиши, еру кўк уйғониши билан ўзимизни янгитдан туғилгандек ҳис қиламиз, қалбларимиз пок ниятларга тўлиб, бутун вужудимизда эзгу саъй-ҳаракатлар жўш урганидек бўлади.

Бунинг тасдиғи айни шу кунларда – барчамиз бағримизни кенг очиб, Наврўз айёмига пешвоз чиқаётганимизда, шаҳар ва қишлоқларимиз, воҳаю водийларимизда ўтаётган сайил-томошаларда, тансиқ баҳор таомларини тайёрлаб, уларни ўз яқинлари, ёру дўстлари, маҳаллакўй билан баҳам кўраётган минг-минглаб одамларнинг шоду хуррамлигида яққол намоён бўлмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, юртимиздаги ана шундай самимий, дилкаш муносабатларни кўрганда, биз қандай саховатли ва меҳрибон, кўнгли очиқ халқнинг фарзандлари эканимизни яна бир бор чуқур англаймиз ва бундан қалбларимиз беихтиёр ғурур ва ифтихорга тўлади.

Наврўзи олам мана шундай ёруғ кунларда юрагимиздан кечираётган олижаноб ҳис-туйғуларни намоён этиб, бир-биримизга меҳр-оқибат кўрсатиш, кексаларни зиёрат қилиш, ногиронлар, беморлар ва кўмакка муҳтож одамларга беминнат ёрдам беришдек гўзал фазилатлари билан Ватанимиздаги барча миллат ва элатлар учун ғоят азиздир.

Бағрикенг ва меҳмондўст халқимиз ўзига раво кўрган яхшилик ва эзгу тилакларни доимо ўзгаларга ҳам раво кўради.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги байрамимизда қатнашаётган хорижий меҳмонларимизга, элчилар ва чет эл ваколатхоналарининг вакилларига, барча-барча дўсту ҳамкорларимизга уларни бизнинг қадимий урф-одат ва анъаналаримизга кўрсатган ҳурмат ва эътибори учун сизларнинг номингиздан миннатдорчилик билдириб, чин дилдан қутлашга ижозат бергайсиз.

Қадрли дўстлар!

Бугунги кунда бутун халқимиз янги йилда ўз олдимизга қўйган юксак вазифа ва марраларни амалга ошириш йўлида белни маҳкам боғлаб, эртанги кунга катта ишонч билан меҳнат қилмоқда.

Айниқса, фидойи деҳқонларимиз ва фермерларимиз 2009 йилга «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб ном берилганидан руҳланиб, яхши ният ва азму шижоат билан бепоён далаларимизда янги мавсумни бошламоқда.

Халқимизда азалдан янги йилнинг серҳосил ва омадли бўлиши Наврўзнинг қандай келишига, уни қандай кутиб олишингга боғлиқ, деб бежиз айтмайдилар.

Баҳор фаслининг юртимизга серёмғир келиши, кузда эккан экинларимиз тобора кучга тўлиб, кўкка бўй чўзаётгани, ўлкамизда олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, Наврўз айёмини мана шундай шукроналик ва мамнунлик кайфиятида, хурсандчилик билан кутиб олаётганимиз — буларнинг барчаси бу йилги кўзлаган юксак марраларимизга, орзу-ниятларимиз ва мақсадларимизга албатта эришамиз, деган ишонч туғдиради.

Бу борада турли қийинчиликларга қарамасдан, мамлакатимизнинг бу йилги иқтисодий ривожланиши ва меҳнатчиларимизнинг оладиган маошлари, пенсия, нафақа ва стипендиялар, бир сўз билан айтганда, аҳолимизнинг ҳаёт даражаси ва сифат кўрсаткичларининг ўсиши, иншоолло, ўтган йилгидан кам бўлмайди. Шундай деб айтишга бугун барча асосларимиз бор.

Муҳтарам ватандошларим!

Юртимизга Наврўз байрами кириб келиши билан мен бугун шу муҳташам ва бетакрор майдонда тўпланган сиз, азизларимга, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизга ўзимнинг чуқур ҳурматимни билдириб, қалбимда, юрагимда бўлган энг самимий тилакларимни изҳор этишни ўзим учун катта бахт деб биламан.

Илоё, хонадонларимиздан меҳру оқибат, файзу барака аримасин!

Табаррук кексаларимизнинг умрлари узоқ бўлсин!

Барча эзгу орзу-ниятларимиз рўёбга чиқсин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

Диёримиз узра Наврўз нашидаси кезмоқда. Қиш либосини ечган борлиқ ўз гўзаллигини кўз-кўз қилмоқчидек турфа рангда жилоланади. Қутбарака, эзгулик, меҳр ва мурувват, одамийлик ва оқибат айёми — Наврўз дилларни сурур ва умидга тўлдиради.

21 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган.



ЯШАРИШ, ЯНГИЛАНИШ, НАФОСАТ АЙЁМИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган Наврўз байрами тантаналаридан репортаж

2-бет

КАМОЛИНГДАН АЙЛАНАЙ, ЮРТИМ!

Айниқса, байрам кунларида бу сўзлар юртдошларимиз тилларидан тушмаяпти

Швейцария, Италия, Германияда ишлаб чиқарилган замонавий ускуналарни бошқараётган 185 нафар қишлоқ йигит-қизи ўзлари ишлаётган Норин йигирув-тўқув фабрикаси қошидаги «Клайнатекстил» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонасидаги шароитлардан жуда хурсанд. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилининг Наврўзи жамоа учун янада қутлуғ келди. Корхона биноси таъмирдан кейин батамом янги қиёфа касб этди. Эндиликда ишчилар ёруғ, озода цехларда компьютерлаштирилган дастгоҳларни бошқармоқда.

Бу ерда йилига 1800 тонна пахта толасидан 1560 тонна калава ип тайёрланиб, экспорт қилинади. Корхонанинг кейинги навбати ишга тушса, йиллик тола хомашёси 2800 тоннага, ишчи ўринлари сони 400 тага етади.

3-бет

✓ ЎзХДП: Бошланғич ташкилот — асосий таянч

ЕТАКЧИЛИК МАСЪУЛИЯТИ

ҳар бир бошланғич ташкилот раҳбарида бўлиши шарт, дея таъкидлашди фаоллар

Бошланғич ташкилотлар партия ғояларини кенг тарғиб этиш, дастурий мақсадларини амалга ошириш йўлида аъзоларни бирлаштирувчи мустаҳкам таянч ҳисобланади. Шундай экан, бугун партиямизнинг қуйи бўғини фаолиятини тизимли ташкил этиш, самарадорлигини ошириш масаласи унинг етакчиси зиммасига катта масъулият юклайди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент, Хоразм ва Фарғона вилоят кенгашларида ўтказилган давра суҳбатларида партия Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказиш тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш, йиғилишларга тайёргарлик кўриш, мазкур сиёсий жараённи юқори савияда, уюшқоқлик билан ташкил этиш, муносиб фаолларни БПТ раиси этиб сайлаш масалалари муҳокама этилди.

3-бет

• ҲАР ГЎШАДА САЙИЛ ВА ШОДЛИК

2-бет

• ЙИЛБОШИ ҚУВОНЧИ ВА УМИДЛАРИ

Айниқса, Наврўз байрамига бағишланган одатлар кишиларни янада аҳилликкга, ҳамжиҳатликка, бирдамликка ундайди.

3-бет

• ОРЗУЛАРИ ОСМОН ҚИЗ

4-бет

O'zbekiston havo yo'llari TOSHKENT XALQARO AEROPORTI Xizmatlar litsenziyalangan

ЯШАРИШ, ЯНГИЛАНИШ, НАФОСАТ АЙЁМИ



Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият, санъат, спорт намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрган.

Соат 10.45. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келади.

Байрам тантанасида ҳозир бўлганлар давлатимиз раҳбарини қарсаклар билан кутиб оладилар.

Чорлов мусиқаси янграйди.

Президент Ислом Каримов минбарга таклиф этилади.

Давлатимиз раҳбари барчани умумхалқ байрами, шарқона янги йилнинг бошланиши бўлмиш Наврўз айёми билан самимий қутлади. Ўзининг маъно-мазмуни, кўрку тароватн, теран фалсафаси билан бошқа байрамлар орасида алоҳида ўрин тутадиган Наврўз тимсолида халқимизнинг ўзига хос маънавияти, ўтмиши, асрий қадриятлари, миллий урф-одат ва анъаналарини тобора сайқаллаб, ривож топиб бораётганини таъкидлади.

Муаззам майдон узра шўҳчан куй – Наврўз навоси таралади. Шаббода шивири, қушлар чуғури, жилғалар жилдирашига ҳамоҳанг бу наво дарахт новдаларига тириклик суви югургани мисол жисму жонимизга ёқимли илиқлик таратади.

Карнай-сурнай ва ноғоралар садоси остида жарчилар элу юртни Наврўз сайлига чорлайди. Одамлар қалбига чексиз қувонч бахш этадиган Наврўз сайли неча минг йиллардан буён халқимиз асраб-авайлаб, эзозлаб келаётган ҳаётбахш ва гўзал қадриятларимиздандир.

Наврўз мустақиллик йилларида янгича маъно-мазмун касб этди. У ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, хайру саховат ва меҳр-оқибат каби халқимизга хос фазилатлар тимсолига — умумхалқ байрамига айланди.

Халқимиз бу йил Наврўзни ўзгача тадорик билан қарши олмоқда. Кўкламнинг илк кунларидан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Юртимизда байрамолди ҳашарлари ташкил этилиб, унда ёшу қари, каттаю кичик фаол иштирок этди. Маҳаллалар, қишлоқлар, кўчалар, турар-жойлар ободонлаштирилди, ариқзовурлар тозаланди, зиёратгоҳ, қабристон ҳамда табаррук қадамжолар тартибга келтирилди, мевали, манзарали дарахтлар, гул кўчатлари ўтказилди.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2009 йил Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилинди. Барчамизнинг илдизимиз, томиримиз она заминга боғлиқ. Шу боис Ватан деган улуғ ва муқаддас тушунча, аввало, қишлоқ тимсолида намоён бўлади. Халқимизнинг ризқ-рўзи заҳматкаш деҳқонларимиз етиштирадиган ноз-неъматлар билан ўлчанади.

Наврўз байрамининг мазмун-моҳияти саховатли замин билан, деҳқону соҳибкорларимиз, чорвадору миришкорларимиз меҳнати билан, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти билан чамбарчас боғлиқ.

Майдон теграсида ҳилпираётган байроқлар табиатнинг анвойи рангларига уйғунлашиб кетган. Кўкда тебраниб турган улкан ҳаво шарлари дилларга ўзгача завқ бағишлайди. Саҳна гирдидаги турфа гуллар қуёш нурларида сирли жилоланади...

Болажон халқимизнинг улуғ байрамини бахтиёр кичкинтойлар бошлаб беради. Юзларида самимият ва беғуборлик балқиган ўғил-қизларнинг шўх-шодон кулгилари, жарангдор куй-қўшиқлари барчани болаликнинг сирли оламига етаклайди.

Баҳорни бежиз ёшликка менгзамайдилар.

Президентимиз раҳнамолигида мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб баркамол авлод тарбиясига, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ўтган йиллар мобайнида амалга оширилган ўзгаришлар силсиласида ёшлар сиёсати устувор аҳамият касб этади. Халқимиз эртанги кун умиди билан, ёруғ келажакка ишониб яшайди. Шу боис бугун барпо этаётган янги ҳаётни биз, аввало ўзимиз, қолаверса, ўсиб келаётган авлодимиз учун қурмоқдамиз. Президентимиз таъбири билан айтганда, фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва, албатта, бахтли бўлишлари шарт.

Ўтган 2008 йил — «Ёшлар йили»да ўғил-қизларимизга янада кенг йўл очиб бериш, уларнинг соғлом ва баркамол вояга етиши, замонавий билим ва тараққиёт чўққиларини эгаллаши, ўз қобилият ва имкониятларини, куч-қувватини намоён этиши учун кенг имкониятлар яратиш, ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ таъминлаш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Ёшлар том маънода бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучига айланиб бормоқда.

Таълим соҳасида қабул қилинган умуммиллий давлат дастурларида кўзда тутилган ислоҳотлар бугун юксак самаралар бермоқда. Умумтаълим мактаблари битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига тўлиқ жалб этиш тизими шакллантирилди. Кадрлар тайёрлаш сиёсатининг натижалари нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам эътироф этилган. 2008 йилнинг ўзида 169 касб-ҳунар коллежи, 23 академик лицей барпо этилгани, 1 минг 875 мактабда янги қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишлари бажарилгани келажак йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг ёрқин ифодасидир.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли узлуксиз спорт тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада оммавий спорт ўйинлари юксак самаралар бермоқда. Болалар спортини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар туфайли замонавий спорт мажмуаларида жисмоний камолотга етган ёшларимиз халқаро майдонларда Ўзбекистон байроғини баланд кўтармоқда. Пекинда ўтган XXIX Ёзги олимпиада ўйинларида спортчиларимиз битта олтин, иккита кумуш, учта бронза медални қўлга киритди. Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Осиё биринчилиги мусобақаларида фахрли иккинчи ўринни эгаллаб, жорий йил Мисрда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ёшларни соғлом турмуш тарзи асосида тарбиялаш, оммавий спортни ривожлантириш мақсадида ўтган йили 184 спорт иншоотида қурилиш-таъмирлаш ишлари якунига етказилиб, минглаб фарзандларимизнинг спорт билан шуғулланиши учун яратилаётган имкониятлар янада кенгайтирилди.

...Барча байрамлар ҳам азиз, барча байрамлар ҳам қадрли. Аммо Наврўзнинг соғинчи ва шукуҳи бўлакча. Яратганга шукрлар бўлсинки, юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин, фарзандларимиз соғ-саломат. Халқимизнинг орзулари мўл, тилаклари бисёр. Набирасини етаклаган отахонлар, кайвони онахонлар, атласларда ял-ял ёниб келаётган қиз-жувонлар, сочларига толбаргак тақкан қизалоқлар, нигоҳлари осмонларда ҳаволанаётган варракларга боғланган болакайлар, белида белбоғи бор бўз йигитлар — барча-барча Наврўз сайлига ошиқади. Сайил қизийди: ҳофизу хонанда ҳам, ўланчию лапарчи ҳам, аскиячи ва қизиқчи, дорбозу морбоз, масхарабозу қўғирчоқбоз ҳам шу ерда. Улоқ-кўпкари, пойга, кураш, арқон тортиш, тош кўтариш, мерганлик томошалари қизигандан қизийди. Дошқозонларда қайнаётган сумалак ва ҳалим ҳиди димоғни қитиқлайди...

Наврўз айёми азалдан меҳр-оқибат, саховат, бағрикенглик ифодаси бўлиб келган. Ўтмишда Наврўз куни урушлар тўхтаган, гина-кудуратлар унутилиб, элда тинчлик, осойишталик қарор топган. Ота-боболаримиз бундай кунларда фақат эзгу ишлар қилишга, кексаларнинг дуосини олиб, етим-есир, бева-бечора, хастаю муҳтожларга меҳрибонлик кўрсатишга интилганлар.

Ана шундай эзгу фазилатлар Мустақиллик туфайли қайтадан қадр топиб, янада ёрқинроқ намоён бўлмоқда. Мўътабар қарияларимиз, ота-оналаримизнинг ҳурмат-эҳтироми жойига қўйилмоқда, жамиятимизда меҳр-оқибат, катталарга ҳурмат ва кичикларга иззатда бўлиш, ҳеч кимни ёлғиз ва эътибордан четда қолдирмаслик муҳити тобора мустаҳкамланмоқда. Мустақил ҳаётга қадам қўйган ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, Меҳрибонлик уйлари битирувчиларини турар-жой билан таъминлаш борасидаги ишлар ҳам ана шу эзгу фазилатларнинг амалий ифодасидир.

Буюк боболаримиз асрлар давомида яратган бой маънавий ва маърифий меросни, миллий қадриятларимизни янада бойитиш ва уларни умуминсоний қадриятлар билан уйғун ҳолда ривожлантириш, халқимизни, айниқса, ёш авлодни ана шу руҳда тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда муаззам пойтахтимиз — Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи кенг нишонланади.

...Мақом, фольклор-этнографик ансамбларнинг чиқишларида, турфа рақсларда, халқ ўйинларида кўп минг йиллик тарихга эга, гўзал ва бетакрор байрамимизнинг ноёб қирралари ўз аксини топади. Бу қутлуғ айёмнинг кишиларни бирлаштирувчи, дилларни дилларга боғловчи ҳаётбахш кучи янада яққол намоён бўлади...

Наврўз арафасида шаҳар ва қишлоқларимизда барпо этилган янги иншоотлар, корхона ва ўқув муассасаларини фойдаланишга топшириш хайрли анъанага айланган. Шу кунларда юртимизда янги корхоналар, ишлаб чиқариш объектлари, тиббиёт муассасалари, маданият ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ишга туширилмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар замирида юртдошларимизнинг турмуш тарзини янада яхшилаш, фаровон ва тўкин ҳаётни таъминлашга интилишдек эзгу ниятлар мужассам.

Мамлакатимизда қулай инвестиция муҳити яратилган. 2008 йилда иқтисодиётни ривожлантириш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан 6,4 миллиард АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилди. Ўзлаштирилган инвестициялар асосан ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашга йўналтирилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Янги иш жойлари ташкил этиш, айниқса, ёшларни ва хотин-қизларни иш билан таъминлашга қаратилган эътибор натижасида аҳоли турмуш даражаси юксалиб бормоқда. Меҳнатни рағбатлантириш, иш ҳақини ошириш ва аҳоли даромадлари ўсишини таъминлашга қаратилган изчил сиёсат туфайли 2008 йилда ўртача иш ҳақи 1,4 баробар ошди. Аҳолининг реал даромадлари йил давомида жон бошига 23 фоиз кўпайди.

Наврўз томошалари кўтаринки руҳда давом этади. Санъат усталари, эстрада юлдузлари, ёш ижрочиларнинг она юртни, истиқлолни, Наврўзни, баҳор ва муҳаббатни мадҳ этган чиқишлари қалбларни тўлқинлантиради. Мусиқий оҳанглар, дилтортар рақслар, фусункор саҳна манзаралари кишига завқ-шавқ бағишлайди...

Аждодларимиз янги меҳнат йилини айни Наврўздан бошлаганлар. Деҳқонларимиз элюрт дастурхони тўкин бўлсин, деган ниятда ерга барака уруғини сочганлар.

Айни кунларда фермерлар кўклам юмушлари билан банд. Ғаллазорлар озиқлантирилиб, ер майдонлари экишга тайёрланмоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий кучга айланган фермерларимизнинг 2008 йил пахта етиштиришдаги улуши 99,1 фоизни, ғалла тайёрлашда эса 79,2 фоизни ташкил этгани уларга яратиб берилган шарт-шароит ва эътибор самараларидандир.

...Қорлар эриб, кўклам либосига бурканган қир-адирларда баҳор элчилари — бойчечаклар, лолақизғалдоқлар кўзни қувнатади. Арқон солиб турналар учиб келади.

Дилбар куй-қўшиқ ва рақслар самога сочилган рангин мушакбозликка уланиб кетади...

Миллий боғ бўйлаб ёйилган қандолатчилик расталари сайил қатнашчилари, болажонлар билан гавжум. Миллий ҳунармандлик маҳсулотлари кўргазмаси эътиборни тортади.

Юртимиз бўйлаб Наврўз нашидаси кезади. Шаҳар ва қишлоқларимизда, беполён дашту далаларда Наврўз сайли, шодиёналар давом этмоқда.

Воҳид ЛУҚМОН,
ЎзА шарҳловчиси.

Суратларда: байрам шодиёналаридан лавҳалар.

А.АБДУЛЛАЕВ (ЎзА)
олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда)

ҚАЛБЛАРНИ СУРУРГА ТЎЛДИРИБ

Баҳор борлиққа сепини ёйди. Юртимизнинг ҳар гўшасига Наврўзни бошлаб келди. Байрам тантаналари қалбларни қувончга тўлдириб, ҳар биримизга янги куч, ғайрат шижоат бағишламоқда.

Андижон шаҳридаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида Наврўзни кутиб олиш катта шодиёна билан ўтди. Андижон вилояти ҳокими Аҳмаджон Усмонов барчани Наврўзи олам билан қутлади. Шундан сўнг таниқли санъаткорлар, бадиий ҳаваскорлар ижросидаги шўх қўшиқлару миллий ва замонавий рақслар барчага Наврўз кайфиятини бахш этди.

Андижонликлар яшариш-яратиш байрамига тайёргарлик тадбирларини уюшқоқлик билан амалга оширганликлари туфайли хонадону-кўчалар янада кўркамлашди. Кўплаб савдо ва хизмат кўрсатиш масканлари ишга тушди. Гузарлар чиройи ошди. Мевали боғлар барпо этилди. Манзарали дарахт кўчатлари, гуллар ўтказилди. Меҳр-оқибат, эзгулик байрами кунларида кексалар, ногиронлар ҳолидан хабар олинди. Уларга совғалар топширилди. ЎзХДП ташкилотлари ва фаоллари ҳам электорат вакилларининг хонадонларига ташриф буюрдилар.

— Кекса партиядошларни йўқладик, — дейди ЎзХДП Андижон вилоят кенгаши раиси Одинахон Мадаминова. — Ташрифимиздан уларнинг қувончи чексиз бўлди. Ўзаро суҳбатларда улар бугун мамлакатимиздаги бунёдкор ишлар ҳақида шукроналик билан гапирдилар. Бу кунларнинг қадрига етишимиз зарурлигини таъкидладилар.

Меҳр-оқибат, эзгулик тимсоли Наврўз шукуҳи қалбларни қувончга тўлдирмоқда. Юртдошларимизни улуғвор ишларга руҳлантирмоқда.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

ҲАР ГЎШАДА САЙИЛ ВА ШОДЛИК

Юртимиз бўйлаб кенг нишонланаётган Наврўз умумхалқ байрами нафақат вилоят, шаҳар, туман марказларида, балки маҳалла, овулларда, қишлоқларимизда ҳам кўтаринкилик билан ўтказилмоқда. Паркент туманида бўлиб ўтган байрам тадбирини туман ҳокими Акбар Сулаймонов кириш сўзи билан очиб, кейинги йилларда туманда олиб борилаётган ислоҳотларга алоҳида тўхталди. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида бошланган хайрли ишлар янада муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Тантанада сўз олган Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоиров янги шеърларидан ўқиди. Шундан сўнг, фольклор дасталари, саҳналаштирилган халқ ўйинлари, куй-қўшиқлар байрамга ўзгача файз бағишлади.

— Бугунги Наврўз тадбирида фольклор дастамиз билан қатнашаяпмиз, — дейди Бошқизилсой қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Файзулло Болтаев. —Азалий бу байрамда ота-боболаримиздан қолган урф-одатлар анъаналар, қадриятлар тўлалигича намоён бўлади. Ҳашарлар уюштирилади. Биргина Бошқизилсой қишлоқ фуқаролар йиғини тасарруфидаги тўртта қишлоқда кенг миқёсда ободонлаштириш ишлари олиб борилди. 7500 туб кўчат ўтказдик. Энг қувонарлиси, байрам арафасида қишлоқ аҳолиси учун 615 ўринли саноат касб-ҳунар коллежи қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Режага кўра янги ўқув йилида билим маскани ўз фаолиятини бошлайди.

— Истиқлол туфайли миллий қадриятларимиз тикланди — дейди Нажминисо ая Мирзараҳимова. — Мана бугун байрамда мен ҳам момо ролида қатнашаяпман. Наврўз барчамизга тинчлик-хотиржамлик, бахт саодат олиб келсин.

— Кўриб турганингиздай ҳамма байрам сайлига чиққан — дейди Бошқизилсой қишлоқ фуқаролар йиғининнинг диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбиявий ишлар маслаҳатчиси Мазмуна Мирзиёева. — Туманнинг чекка-чекка қишлоқларида, ҳар бир хонадонда шодиёна. Наврўз меҳр-мурувват, хайр-саховат байрамидир. Шундан келиб чиқиб, қишлоғимиздаги 28 та кам таъминланган оилага ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Барча-барчани Наврўз билан табриклайман.

Абдусалим МАҲМУДОВ.
Шавкат ҚАҲҲОРОВ
олган суратлар

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
310309-1

❖ Байрам шукуҳи

ЙИЛБОШИ ҚУВОНЧИ ВА УМИДЛАРИ

Катта-ю кичикнинг қалбида ҳаяжон, юзида табассум. Наврўзи олам — баҳор, яшариш, янгиланиш байрами барча-барчанинг дилини яшнатиб, янги орзу-умидларга тўлдирмоқда. Кўз тегмасин, бу йил жуда яхши бошланаяпти, дейишмоқда қорақалпоғистонлик отахон ва онахонлар. Қишлоқ ва овулларни янада ривожлантириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтириш борасида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда.

Одатда Қорақалпоғистон Республикасига баҳор бироз кеч келади. Бироқ бу йилги баҳор ўтган йилларга нисбатан анча эрта келди. Барча туманларда, қишлоқ ва овулларда экин майдонлари текисланиб, ишлар бошлаб юборилди. Боғ-роғларда дарахтларга шакл берилмоқда. Янгидан боғлар, токзорлар барпо этилмоқда.

Жанубий орол этаклари, Амударёнинг қуйи оқимидаги Тахтакўпир, Қораўзак, Чимбой, Кўнғирот, Мўйноқ, Шуманай туманларида Наврўзи оламга тайёргарлик февраль ойининг сўнгги кунларидан бошлаб юборилган эди.

— Наврўз халқимизнинг энг севимли байрами, — дейди Ўзбекистон ХДП Қораўзак туман кенгаши раиси Қдирнияз Дўстназаров. — Шунинг учун ҳам катта қувонч, ўзгача шукуҳ билан уни кутиб олаяпмиз. Йигитлар курашга, чавандозлар от чопишга, улоқ-кўпкари ўйинларига тайёрланмоқда. Қиз-келинчаклар эса ўзларига янги либослар тикиб, Наврўз ашула ва рақсларини тайёрлашмоқда. Маданият, Қораўзак, Есимўзак каби овул Қораўзак шаҳарча фуқаролар йиғинларида байрам ҳар йили ўзига хос тарзда ўтади. У ерларда истиқомат қилаётган аҳолининг урф-одатлари, анъаналари жуда бой ва ранг-баранг. Айниқса, Наврўз байрамига бағишланган одатлар кишиларни янада аҳилликкa, ҳамжиҳатликка, бирдамликка ундайди.

Наврўз кунларида ҳар бир хонадонда, маҳаллада, қишлоқ ва овулларда, хиёбонларда, кўчаларда турли хил миллий таомлар тайёрланиб кўни-кўшни, қон-қариндошларга улашилади. Кексалар, ногиронлар, бетоб кишилардан хабар олиниб, уларга совға-саломлар топширилади.

Арғимчоқлар қурилиб, йигит-қизлар томошалар кўрсатади. Кураш, чавандозлик улоқ-кўпкари ўйинлари бўйича мусобақалар ўтказилмоқда.

Наврўз — янги йил, деҳқончилик, экин-тикиннинг, ерга уруғ қадашнинг бошланиши. Илоҳим, еримдан мўл ҳосил унсин, деб дуо қилмоқда оқсоқоллар.

Яхши ният, очиқ кўнгил билан бошланган ҳар қандай иш баракали бўлишига улар ишонишади.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратда: *байрам тадбиридан лавҳа.*

А.КАННАЗАРОВ (ЎзА) олган сурат.

✓ ЎзХДП фаоллари

ОҚИЛЛАР БОР ЖОЙДА ОБОДЛИК БЎЛАДИ

Вобкент туманидаги «Қипчоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 16 та катта-кичик маҳалла ва қишлоқ мавжуд. Ҳаммаси ҳам обод ва файзли. Кўчалар равон, тоза. Кўркам иморатларга бой. Ҳовлиларда мевали дарахтлар, гулу гулзор кўп. Яхшиликка, ибратли ишларга эшик очган хонадонларда тўкин-сочинлик, байрам шодиёналари

— Оқил одамлар бор жойда ободлик бўлади, — дейди фахр билан қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, партиядошимиз Ғулом Жўраев. — Келинг, яхшиси, уларнинг айримлари билан сизни таништирай. Минг эшитгандан бир кўрган афзал.

Наврўз байрами тантанаси куни қишлоқларни айландик. Ҳар қадамда қувонч, шодиёна... Довдарахт танаси оҳакланиб, ҳафсала билан шакл берилган дарахтлар, чорбоғлар, қуёш нурида ойнаси товланган иссиқхоналар, нон ҳиди таратган новвойхонаю қандолатпазлик цехлари...

Замонавий мактаблар, қишлоқ врачлик пунктлари — ҳаммасига ҳавасингиз келади. Ҳамроҳим дарвозаси олдида «Матиз» турган ҳовлига ишора қиларди.

— Бу уйда бир табаррук отахон яшайди. Моҳир боғбон — Тилов бобо Шукруллаев. Юринг, дуосини олайлик, — деди.

Ота менга таниш чиқиб қолди. Бурноғи йили туман ҳокими Муҳиддин Эсонов бизни бу хонадонга тутҳўрликка олиб келган эди. Ўшанда мўъжаз томорқада етиштирилаётган сархил мевалар, турли сабзавотлар, уларнинг хосияти ҳақида суҳбат қилганмиз. Зардоли, гилос, олма, нок, қароли, шафтолининг турфа навлари, анор, анжир, узум, кўкатлару гулларнинг ранг-баранглигини кўриб, ҳайрон қолганмиз.

— Бир туп тут эксанг, қирқ йил соясида ором олиб, ҳосилидан баҳраманд бўласан. Лекин бу ҳамманинг ҳам хаёлига келавермайди, — деганди ўшанда отахон.

Унга ўша гапни эслатдим.

— Дарвоза олдида турган енгил машина шу сархил мевалар, пайванди кўчатлар шарофати, — деди у. — Етти ўғилнинг уй-жойи, тўй-маърака — ҳаммаси шу боғ, шу томорқа туфайли!

Отахонга ҳавасим келади.

Ҳаётда шундай инсонларни кўп учратганман. Ҳалол меҳнат билан ҳар қандай таъмагирдан яхши яшайди. Ҳам ўз ишидан завқ олади, ҳам хотиржам, ҳам юрт ободлигига ҳисса қўшади, ҳам обрў топади.

Тилов бобо ҳам шундай инсонларнинг бири.

Ҳамроҳим йиғин ҳудудида бундай оқил ва омилкор одамлар кўплиги, уларнинг тадбиркорлиги ҳақида мароқ билан ҳикоя қилди. «Мирбоши» маҳалласида яшовчи Муродбобо Гадоев, сўфидеҳқонлик Аҳрор Ваҳобов яратган боғ-роғлар бугун ҳосилга киргани, Шариф Маликов, Бахтиёр Қўлдошев, Исроил Ёрмуҳаммедов, Баҳодир Набиев, Аҳмад Ражабов, Камол Олимов сингари саховатли фермерлар қишлоқ ободлиги йўлида кўламли ишлар қилаётгани ҳақида ғурур билан сўзлади.

— Қарийб ўн бир минг киши яшайдиган фуқаролар йиғинида «Сеники, меники» деган гап йўқ, — деб давом этди у. — Одамлар ҳасад билан эмас, ҳавас билан яшайди. Ҳар бир қишлоқда аҳоли учун барча қулайлик бор. Тўртта қишлоқ врачлик пункти, алоқа тармоғи, ғишт заводи, қурилиш моллари дўконлари, тегирмон, автотаъмир устахонаси, тикувчилик цехлари, қўйингки, аҳоли манфаатига хизмат қилувчи ҳамма восита бор. Бирор киши туман ёки вилоят марказига боришга эҳтиёж сезмайди. Баҳрин қишлоғидаги ғишт заводида ҳар мавсумда 3 миллион дона пишган ғишт тайёрланади. Ундан янги-янги иморатлар қад ростламоқда. Сўфидеҳқонлик Хуршида Тоғаева, Зикрилла Бафоев сингари қандолатчилар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар, ҳудуддаги 8 та иссиқхонада етиштирилаётган сабзавот, нознеъмат дастурхонимизни безамоқда.

— «Қипчоқ»да 123 нафар партия аъзоси бор, — деб изоҳ берди ЎзХДП туман кенгаши раиси Толиб Авезов. — Уларга фуқаролар йиғини раиси бош-қош. Бирон-бир муаммо чиқса, албатта партия аъзолари тўпланиб, маслаҳат қилади, ечимига йўл излайди. Депутатларимиз ҳам қараб турмайди, албатта.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида қишлоқ ҳаётининг даражаси ва маданиятини янги босқичга кўтариш учун «Қипчоқ»да ўзига хос дастур ишлаб чиқилди. Гарчи аҳоли табиий газ ва тоза ичимлик суви билан тўла таъминланган бўлса-да, 6 та қишлоқ маркази — гузарлар қайта қурилиб, йўлларга асфальт ётқизилиши, қабристонлар обод қилиниши каби ишлар режалаштириб олинди. Ҳозир Сўфидеҳқон қишлоғида янги қишлоқ врачлик пункти қурилиши бошланди. Хусусан, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолини, айниқса, ёшларни янги иш жойлари билан таъминлашга қаратилган тадбирлар ижроси алоҳида эътиборда.

Хайрли ишларга бел боғлаган қипчоқлик оқилларнинг бугунги ҳаракати эртанги баракатдан дарак бериб турибди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЕТАКЧИЛИК МАСЪУЛИЯТИ

ҳар бир бошланғич ташкилот раҳбарида бўлиши шарт, дея таъкидлашди фаоллар

— Ҳисобот-сайлов йиғилишларида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасини чуқур ўрганиш, уни партия аъзолари ўртасида кенг тарғиб қилиш, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури асосида бажарилаётган ишларда партия ташкилотлари иштирокини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарур, — деди ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Сирожиддин Аъзамов. — Шунингдек, мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга нисбатан ЎзХДПнинг позицияси, дастурий мақсадларимизни рўёбга чиқаришга қаратилган саъй-ҳаракатларимиз, ташаббусларимиз ҳақида ҳам батафсил ахборотлар берилиши керак.

— Ушбу жараёнларга партия кенгашлари жиддий киришиши керак, — деди Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши раиси Раимберган Сабуров. — Бунинг ўзи биз учун бир синов. Олдинги ҳисобот-сайловлардан сўнг партиямиз анча мураккаб йўлни босиб ўтди. Шунинг билан бирга, Қонунчилик палатасидаги партиямиз фракцияси аъзолари ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз томонидан кўпгина ибратли ишлар амалга оширилди. Эндиги масала жамиятимиз ривожланиши, мамлакатда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар жараёнлари талабларидан келиб чиқиб, партиянинг қуйи бўғинини кучайтиришдан иборат. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун БПТда ўтадиган ҳисобот-сайлов йиғилишлари катта аҳамиятга эга.

— Партиянинг қуйи бўғини фаоллигига кўп нарса боғлиқ, — деди Ўзбекистон ХДП Янгиариқ туман кенгаши раиси Раҳима Машарипова. — Шунинг учун бошланғич партия ташкилоти раислигига номзодларни танлашга алоҳида эътибор беришимиз, партия, унинг электорати манфаатларини ҳимоя қилиш учун фаоллик кўрсатадиган, жамоада обрў-эътиборга эга партия аъзолари сайланишига эришишимиз зарур.

— Мустақиллик йилларида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ҳамда ислоҳ этишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди, — деди ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси ўринбосари Зиёда Абдуллаева. — Сиёсий партияларнинг давлат бошқарувидаги иштироки ва ролини оширишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилди. Айтиш мумкинки, ҳар бир сиёсий куч ўз мақсадларини амалга оширишда албатта, тарафдорлари, электоратига таяниб, улар манфаатларини ҳимоя қилади. Бу жараённи одамларга тушунтириш, мазмун-моҳиятини етказиб бериш масалаларига алоҳида ёндашув ва эътибор қаратиш етакчилар олдига алоҳида вазифалар қўяди. БПТ раиси фаол бўлса, партиянинг нуфузи ортиб, жамият ҳаётидаги иштироки кучаяди.

Йиғилишларда, шунингдек, бошланғич ташкилотлардаги ушбу муҳим жараённи юксак савияда ўтказиш, тадбирларда партиядан сайланган депутатлар иштирокини таъминлаш ва бошқа масалалар юзасидан ҳам таклифлар ўртага ташланди.

Ойбек ҚЎШБОҚОВ,
Гулруҳ ЭРГАШЕВА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шоҳмот

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ БАҲСЛАР БОШЛАНДИ

Пойтахтимизда давом этаётган Георгий Аъзамов хотирасига бағишланган 3-халқаро мусобақада 5-тур ўйинлари бўлиб ўтди. Унда бир қатор мухлислар эътиборини тортган натижалар қайд этилди. Жумладан, сурхондарёлик Бегали Саидов қозоғистонлик гроссмейстер Павел Котцурни, тошкентлик ёш шоҳмотчи Никита Хорошов ҳамшаҳри Андрей Квонни мағлубиятга учратиб пешқадамлар қаторига киришди. Цешковский—Амонатов, Малахетко—Волков, Жумаев—Кузубов, Қосимжонов—Йўлдошев ўртасидаги ўйинлар дуранг билан якунланди. Шундай қилиб, мусобақада 4,5 очко тўплаган россиялик гроссмейстер Виталий Цешковский ҳамон пешқадамлик қилмоқда. Бир йўла 11 шоҳмотчи 4 очко жамғарган ҳолда кейинги поғоналардан жой олишди. Улар орасида ҳамюртларимиздан Антон Филиппов, Марат Жумаев, Сайдали Йўлдошев, Бегали Саидов, Никита Хорошов ҳам бор. Рустам Қосимжонов 3,5 очко билан ҳозирча мусобақа жадвалининг 13-поғонасини эгаллаб турибди.

21 март куни шоҳмотчилар Наврўз байрамини нишонлашди. 22 мартдан эса ҳал қилувчи баҳсларни бошлашди.

Футбол

ЧОРАК ФИНАЛ ЖУФТЛИКЛАРИ

Европа футбол клубларининг нуфузли мусобақалари чорак финалига қурра ташлаш маросими бўлди. Унга кўра чемпионлар лигасида қуйидаги жамоалар куч синашишади:

«Манчестер Юнайтед» (Англия) — «Порту» (Португалия), «Ливерпуль» (Англия) — «Челси» (Англия), «Вильярреал» (Испания) — «Арсенал» (Англия), «Барселона» (Испания) — «Бавария» (Германия). Дастлабки ўйинлар 7-8 апрель, жавоб учрашувлари 14-15 апрель кунлари ўтказилади.

УЕФА кубогида қуйидаги жамоалар учрашади:

«Гамбург» (Германия) — «Манчестер Сити» (Англия), «ПСЖ» (Франция) — «Динамо» (Украина), «Шахтер» (Украина) — «Марсель» (Франция), «Вердер» (Германия) — «Удинезе» (Италия). Ўйинлар 9-16 апрель кунлари бўлади.

✓ ЎзХДП ҳаёти

КАМОЛИНГДАН АЙЛАНАЙ, ЮРТИМ!

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қўшма корхонанинг янгиланган биноси олдида ўтказилган байрам тантанасида вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Баҳодир Юсупов, туман ҳокими Ўктамжон Эргашев, ЎзХДП Норин туман кенгаши раиси Маҳфиратхон Мирзааҳмедова жамоани ва маросимга тўпланган жамоатчилик вакилларини байрам билан муборакбод этдилар.

✧✧✧

Байрам шодиёналари билан бирга Ҳаққулободдаги «Олис коинот» кўп тармоқли фирмасининг тикув-бичув корхонаси ишга туширилгани ҳам нишонланди. Аҳмаджон Холмирзаев қурилиши тугалланмаган объектни сотиб олиб, бу ерда икки қаватли иморат қурди. Банкнинг 40 миллион сўмлик кредити ва ўз сармояси ҳисобидан замонавий бичув ва тикув машиналари келтириб ўрнатди. 50 киши доимий иш ўрнига эга бўлган корхонада йил охирига қадар ишчилар сони 100 нафарга етиши кутилаяпти.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ

Самарқанд туманида Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида партия ташкилотлари олиб бораётган амалий ишларга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда БПТ раислари, партиямизнинг ижтимоий шериклари бўлган жамоат ташкилотлари раҳбарлари, фаоллар иштирок этди.

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ ҲИМОЯСИ

партия ташкилотлари ва фаоллари, депутатлик гуруҳлари зиммасига катта вазифаларни юклайди

— Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили Давлат дастурида белгиланган вазифаларни изчиллик билан адо этиш, айниқса, бизнинг партия ташкилотлари, фаоллари зиммасига катта масъулият юклайди, — деди вилоят партия кенгаши раиси Камолбой Исабеков. — Чунки электоратимизнинг катта қисми қишлоқларда яшайди. Дастурда белгиланган вазифалар эса партия дастурий мақсадларига мос ва ҳамоҳангдир. Демак, ушбу муҳим ҳужжат ижросининг таъминланиши электоратимиз манфаатларига хизмат қилади. Шу боис, бу жараёнда партия ташкилотлари ва депутатларнинг иштирокини янада кучайтириш талаб этилади.

— Жамиятни демократлаштириш ва маънавий янгилаш жараёнларида хотин-қизларнинг ўрни муҳим аҳамиятга эга, — деди вилоят партия кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси Дилбар Имомова. — Шунинг учун қишлоқ аёлларининг сиёсий-ҳуқуқий онгини оширишга қаратилган тадбирларни изчил амалга ошириш биринчи галдаги вазифаларимиздир. Бунда бошланғич партия ташкилотларининг куч ва имкониятларидан унумли фойдаланиш кўпроқ самара бериши табиий. Чунки электоратимизни ташвишга солаётган масалалар партия қуйи бўғинига яхши маълум.

Шунингдек, тадбирда тумандаги «Фарҳод-С» фермер хўжалигининг беш нафар ходимига ЎзХДП аъзолик гувоҳномалари топширилди.

— Қарийб 10 йилдан бери фермерман, — дейди мазкур фермер хўжалиги раҳбари Ҳамид Толипов. — Ортгирган даромадимизнинг бир қисмини қишлоғимиз, туманимиздаги кам таъминланган, ёрдамга муҳтожлар манфаатлари учун сарфлашга ҳаракат қиламиз. Умуман, мен жамиятдаги барча инсонлар бир-бирига кўмак бериши, зарур пайтда қўллаб-қувватлаши, айниқса, имконияти кўп, оддий қилиб айтганда, қўли узун кишилар муҳтожларга эътиборли бўлиши керак, деб ҳисоблайман. ЎзХДПнинг Дастурида айнан шундай масалалар илгари сурилгани менга жуда маъқул бўлди. Шу боис, Халқ демократик партиясига аъзо бўлдим.

Абдували ХУДОЁРОВ

ДЕНОВ КЎРКИ

бўлган «EURO ASIA» меҳмонхонаси Наврўз байрамида фойдаланишга топширилди

Сурхондарёда сўнгги йилларда кўплаб янги иш ўринлари яратилаётир. Жаҳон талабларига жавоб берадиган замонавий ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Биргина Денов туманининг ўзида ўтган йили 13 та турли хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилган бўлса, бунинг ҳисобидан 1300 дан ортиқ киши муҳим иш жойларига эга бўлди. Жорий йилда эса 1500 дан ортиқ иш ўринлари яратиш кўзда тутилаётир. Мулкдорлар ташаббуси билан кўплаб янги иншоотлар, кўркам бинолар қурилмоқдаки, бу ҳам таҳсинга сазовордир.

Маълумки, воҳа «Буюк ипак йўли»да жойлашган. Истиқлол шарофати билан юртимизга қизиқувчилар сони кескин ортди. Нуфузли меҳмонлар, сайёҳлар ташриф буюришмоқда. Буни тўғри англаган Абдуғани Саидов эзгу ишга бош бўлди. Ўтган йили унинг ташаббуси билан туман марказида замонавий меҳмонхона қуриш учун пойдевор ташланганди. Қисқа даврда янги иншоот тўлиқ битказилди. Унинг қурилишига 500 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланган. Юртимизда Наврўзи олам кезаётган дамларда эса «EURO ASIA» мажмуаси фойдаланишга топширилди. Меҳмонхонанинг очилиш тантаналарида Сурхондарё вилоят ҳокими Туробжон Жўраев иштирок этди ҳамда йиғилганларни қўшалоқ шодиёна билан табриклади.

— Уч қаватли янги меҳмонхона барча талабларга жавоб беради, — дейди Абдуғани Саидов. — Эллик хонага эга мажмуа замонавий услубда қурилган. Барча жиҳозларни хориждан келтирганмиз. Булардан ташқари, супермаркет, ресторан, ошхона, турли савдо шохобчалари ишлаб турибди.

Мазкур меҳмонхона Денов кўркига кўрк қўшди. Шу билан бир қаторда бу ерда 51 нафар киши иш билан таъминланар экан. Йил охиригача яна 50 киши ишли бўлади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратда: *меҳмонхонанинг очилиш тантанасидан лавҳа.*

Муҳаммади ЖУМАЕВ олган сурат.

Истеъдодли ёшлар — миллат ғурури, мамлакат таянчи!

Мана, ўн йилдирки, ҳар баҳор — Хотин-қизлар байрами арафасида Президентимиз қарори билан адабиёт, санъат, фан, таълим, маданият йўналишларида эришган ютуқлари учун 14 нафар ёш истеъдод эгаси Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланади. Шуни фахр-ифтихор билан айтиш керакки, Зулфияхоним қизлари бугунги кунда 140 нафарга етди.

Бу йилги зулфиячилар орасида Паркент туманидаги 1-мактабнинг 9-синф ўқувчиси, 1993 йилда туғилган Сурайё МАЪМУРБОЕВА ҳам бор.

Сурайё расм чизади. Унинг мўйқаламига мансуб бўлган машқлар бугунги кунда таниқли рассомлар, мутахассислар томонидан юқори баҳоланмоқда.

Суратда: Сурайё ва онасининг қувончи чексиз.
Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган сурат.

ОРЗУЛАРИ ОСМОН ҚИЗ

— Қандай қилиб рассомликка қизиқиб қолгансиз?

— Аниқ айтолмайман, эсимни таниганимдан бошлаб расм чизишни яхши кўраман. Бунга эҳтимол қишлоғимиз табиати, Паркент тоғлари сеҳри сабаб бўлгандир. Биринчи устозим Миртожи Жалолов илк бор менга расм чизиш сирасрорларини ўргатган. Натюрморт, графика, миниатюра каби жанрларда расмлар чизганман.

Ўзбекистон халқ рассоми Ортиқ Файзуллаев ҳузурига келиб, у кишидан ҳам кўп нарсалар ўргандим.

Менга кўпроқ табиат манзараларини тасвирлаш ёқади. Бугунги кунгача ҳар хил жанрларда 35 дан ортиқ расмларим бор.

«Чумолига келар ҳавасим» кўнглимга яқин ишларимдан бири. Уни Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоировнинг шеъридан таъсирланиб чизганман. Бу расм абстракция жанрида бўлиб, унда чумоли меҳнати инсон меҳнатига қиёсланади.

Ҳар доим мени бетакрор рассом Камолиддин Беҳзод миниатюралари ҳайратлантиради. Рўзи Чориев асарларини узоқ томоша қиламан, олдидан кетгим келмайди. Кузатган саринг, ҳар гал янги-янги деталлар топиладеради. Баъзида шундай вақтларда ўзингни рассом дегани ҳам уяласан киши.

— Мукофотни қабул қилиб олаётган лаҳзаларда кўнглингиздан нималар кечди?

— Очиғи тақдирланишимни кутмаган эдим. Хабарни эшитиб, жуда қувониб кетдим. Ота-онам, устозларим ҳам роса қувонишди. Ўша куни бобом Маъмур Маҳкамов шукроналик билан Президентимизни дуо қилди. У киши ҳар доим биз набираларига, бу кунларни қадрига етинглар, дея насиҳат қилади.

— Келгуси режаларингиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз?

— Биз яшаётган Паркент тумани баланд тоғлари, гўзал табиати, ширин-шакар мевалари билан машҳур. Уни рангин бўёқларда тасвирлашни, янги-янги қирраларини топишни истайман. Мен чизган суратлар халқаро кўргазмаларга қўйилишини, хорижликлар Ўзбекистон деган гўзал юрт манзараларига ҳайрат билан қарашларини, орзу қиламан. Ўз ижодий асарларим билан тенгдошларимни, барча жаҳон болаларини ер юзида тинчликни сақлашга, она табиатни асрашга чақирмоқчиман.

Фурсатдан фойдаланиб Наврўз байрами билан барча юртдошларимни самимий табриклайман.

Абдусалим МАҲМУДОВ

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига

ЮРТИМНИНГ ГАВҲАРИ

Ассалом Тошкентим, жавоҳир шаҳрим,
Юртимнинг гавҳари, азим пойтахтим.
Эй, Шарқнинг юлдузи, шарафим, фахрим,
Икки минг икки юз ёшинг муборак!

Сен бугун озод юрт — обод Ватаним
Кўксига ярашган гулистонимсан.
Мамлакат, халқ учун тўлиб-тошганим,
Жон шаҳрим, нон шаҳрим — дастурхонимсан.

Юзингда меҳр бор, кўзларингда нур,
Тинчлик ва дўстликка маъбуда Тошкент.
Инсон қадри баланд, ҳамма эркин, ҳур,
Байналмилал, маъмур, осуда Тошкент.

Зулфия, Авлонийдек, азиз аждодлар —
Улуғ алломалар бешиги сенсан.
Дунёга чиқмоқда янги авлодлар,
Илму фан, маърифат эшиги сенсан.

Эй, менинг Тошкентим, жавоҳир шаҳрим,
Кўзимнинг гавҳари, азиз пойтахтим.
Миллатнинг кўркисан, шарафим, фахрим,
Табаррук, юксалиш ёшинг муборак!

Абдукамол РАҲМОН



Пири бадавлатларимиз

ЮЗИНЧИ НАВРЎЗ

Дўстлик туманидаги «Истиқлол» қишлоғида 6 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг орасида тўқсон ёшдан ошган, юз билан юзлашган пири бадавлат кексалар оз эмас. Ана шундай нуронийлардан бири Ҳасан ота Сотимқулов бўлади. Қиш ўрнини кўклам эгаллаган шу кунларда отахон ўзининг юзинчи Наврўзини қаршилаяпти.

— Қаранг-а, ҳаш-паш дегунча юзга ҳам кириб қўйибман, — дейди отахон жилмайиб. — Баҳорда туғилганим учунми бу фаслни яхши кўраман ва ҳар сафар унинг келишини, далақирларни, яшилликка, гулу лолаларга буркашини интиқлик билан кутаман.

Отахоннинг умри меҳнат билан ўтди. Жуфти ҳалоли билан биргаликда икки ўғил, бир қизни тарбиялаб вояга етказишди. Улар бугун ҳаётда ўз ўринларини топишган. Айни пайтда ўн иккита невара, ўнлаб чевара, эваралари атрофида парвона.

— Бир асрлик умр оз муддат эмас, — дейди Ҳасан ота хаёл суриб. — Бу йиллар мен учун чинакам ҳаёт мактаби бўлди. Жуда кўп ташвишли дамларни, қувончли онларни бошдан кечирдим. Шўролар даври, қатағонлар, бир бурда нонга зор бўлган уруш ва урушдан кейинги йилларни эсласам, ҳали-ҳануз этларим жимирлаб кетади. У кунлар ёмон туш каби ортда қолгани, юртимизда Истиқлол қуёши порлаб, елкамизга офтобнинг текканлиги рост бўлсин. Эндиликда ватандошларимиз бекиёс ғамхўрликлардан баҳраманд бўлиб, меҳнатларининг роҳатини кўриб яшаяпти. Бундай дориламон замонга соғу омон етказгани учун Яратганга беадад шукур.

Наврўзни айтмайсизми, Наврўзни! Эсимда, болалик кезларимизда Наврўзни қишлоғимиз четидаги қир устида ёш-қари ўйин-кулги билан кутиб олардик. Қатағон йиллари, уруш даврларида уни унутиб қўйдик. Кейинчалик бу байрамни эскилик сарқити, деб тақиқлаб ҳам қўйдилар. Лекин барибир у қайтиб келди. Истиқлол туфайли энди уни шоду ҳуррамлик билан яна байрам қилаяпмиз.



Бахмал туманининг тоғли Дуоба қишлоғидан келиб, чўлни ўзлаштирувчилар сафига қўшилган, деҳқончиликда суяги қотган, онгли ҳаёти давомида ерни, тупроқни ардоқлаган отахон ҳали бардам, кўзларидан нур, белидан куч-қувват кетмаган. Ҳамқишлоқларининг тўй-маъракалари ва турли тадбирларда бош-қош.

— Қишлоғимизнинг номини бекорга «Истиқлол» деб ўзгартирмадик, — дейди отахон. — Мустақиллик йилларида у таниб бўлмас даражада ўзгарди ва бугунга келиб шинамгина шаҳарча тусини олди. Чиройли мактаблар, врачлик пункти, минимаркет, равон кўчалар, кўркам хиёбонлар, муҳташам уй-жойлар, ошхонаю дўконлар... Буларнинг қайси бирини айтай. Бир пайтлари қишлоғимиз бўйича 3-4 кишидагина автоулов бўларди. Ҳозир ўзимизда ишлаб чиқарилган енгил автомобили йўқ хонадонни топиш қийин. Ўғилларим, неваларимнинг бирида «Дамас», бошқасида «Матиз» бор.

— Ҳасан ота сингари кексаларимизнинг борлиги биз учун катта давлат, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдужалил Кенжаев. — Бундай фаришталі инсонларнинг қадрига етишимиз, ҳурматларини жойига қўйишимиз керак. Кекса авлод вакилларининг қишлоғимиз ёшлари билан учрашувларини тез-тез ташкил этишга ҳаракат қилаяпмиз. Бундай учрашувлар чоғида Ҳасан ота сингари қарияларимиз бошларидан кечирган ҳаёт ҳақиқатларидан сўзлаб берадилар, ўзаро қадр-қиммат, меҳр-оқибат, иймон ва эътиқод тўғрисида, ҳозиргидай фаровон кунларнинг қадрига етиб яшаш, Истиқлолни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш ҳақида гапирадилар. Буларнинг бари ёш авлод учун ҳаёт мактаби, ибрат намунаси вазифасини ўтайди.

— Ўтган умрим давомида меҳнатга меҳр қўйдим, турмуш ташвишлари олдида бўйин эгмадим, ҳалоллик, тўғриликни ҳамма нарсадан устун билдим. Ғийбатлардан узоқ юрдим ва амин бўлдимки, бу фазилатлар инсон умрини узун, ҳаётини мазмунли қилар экан, — дейди Ҳасан ота.

Дала-даштларга кўклам сепини ёзган айни кунларда отахоннинг ороми йўқолган. Уни невараю чеваралари қуршовида, гоҳ ҳамқишлоқлари ҳовлисида, гуллар экаётган, кўчатлар ўтказаётган, дов-дарахтларга шакл бериш ва деҳқончилик юмушлари билан шуғулланаётганлар даврасида қимматли маслаҳатлар бераётган бўлади.

Биз ҳамқишлоқлари даврасида юзидан нур ёғиб турган отахонни юзинчи Наврўз билан қутладик.

— Раҳмат болаларим, илоҳим сизларнинг ҳам умрингиз узоқ, ризқингиз бутун бўлсин, юртимизга кўз тегмасин, — дея дуо қилди отахон.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби Пастдарғом тумани маркази — Жума шаҳридаги истироҳат боғида яшариш ва янгиланиш байрами кенг нишонланди. Ҳунарманд ва тадбиркорлар ўз маҳсулотларини намойиш этди, баҳорий таомлар дастурхон безаги бўлди.

Санъаткорлар ўзларининг дилрабо куй-қўшиқлари билан байрам иштирокчилари кўнглини хушнуд этди.

ЎзА олган суратлар.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Asror MO`MINOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

I — 249
17081 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 16.35
Topshirilgan vaqti — 19.35
1 2 3 4 5 6 8
Sotuvda erkin narxda